

ҲАРБИЙ ИЛМИЙ САЛОҲИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ – ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ.

Ўтган 25 йил давомида Ўзбекистонда юртбошимизнинг ташаббуси ҳамда бевосита бошчилигида ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий соҳаларда кенг кўламли ўзгаришлар амалга оширилди. Президентмиз Ислон Каримовнинг оқилона сиёсати ва воқеаларнинг эҳтимолий ривожини олдиндан кўра билиш маҳорати туфайли ҳарбий қурилиш ишига жиддий эътибор қаратилди.

Айниқса ўзбек ҳарбий илм-фан соҳасини пойдеворини яратиш, уни дунёдаги етакчи давлатлар армияларининг илмий-тадқиқот марказлари қаторидан ўрин олиши, миллий ҳарбий-илмий кадрларни тайёрлашни йўлга қўйиш, ҳарбий соҳада Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлигига бўлган хавф ва таҳдидларни тизимли равишда ўрганиш, ҳорижий давлатларнинг ҳарбий қурилиши ва қуролли кучларининг ислоҳатлари бўйича илғор тажрибаси, уларнинг замонавий уруш ва ҳарбий можароларда жанговар қўлланилишини ўрганиш, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари қурилиши ва ислоҳатларининг асосий йўналишлари бўйича ҳарбий-илмий тадқиқотлар ўтказиш масалаларига катта эътибор қаратилиб, тегишли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Бугунги кунда дунёнинг турли минтақаларида содир бўлаётган қуролли тўқнашувлар, ҳарбий можаролар етакчи мамлакатлар армияларининг нафақат юқори даражадаги аниқлик билан зарба берадиган қурол-яроғ ва бошқа ҳарбий техника тизимларининг жадал ривожланишидан, балки ҳарбий санъат соҳасида ҳам чуқур илмий изланишлар олиб борилаётганидан далолат бермоқда.

Бундай шароитда мамлакатимизда ҳарбий илм-фанни, илмий кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва янада ривожлантириш, уларни замонавий талаблар ва жаҳон стандартларига мос келтириш масаласига давлатимиз раҳбарияти томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Президентимиз, Қуролли Кучларимиз Олий Бош Қўмондони Ислон Абдуғаниевич Каримовнинг Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригида шундай таъкидлаганлар: “Ҳозирги кунда жаҳон миқёсида юзага келаётган мураккаб ва оқибатини олдиндан айтиб бўлмайдиган вазият барчамиздан юқори даражадаги огоҳликни сақлаш ва доимий тайёргарлик ҳолатида бўлишни, миллий армиямизни янада ислоҳ этишга қаратилган эътиборни кучайтиришни, уни замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан таъминлаш, қўшинларнинг жанговар тайёргарлиги самарасини оширишни, бир сўз билан айтганда, Қуролли Кучларимизнинг салоҳияти ва жанговар қобилиятини ҳар томонлама мустаҳкамлашни талаб этади”.

Юқори қўмондонлик офицерларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ҳамда мудофаа қурилиши, ҳарбий таълимни ривожлантириш бўйича илмий-амалий тадқиқот ва ишланмаларни ўтказиш ва мувофиқлаштириш масъулияти

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академиясига юкланганлиги сизларга маълум.

Шу йўсинда академияда олиб борилаётган ҳарбий-илмий изланишлар, уларнинг Мудофаа вазирлиги қўшинларининг юқори жанговар ва сафарбарлик шайлигини таъминлашга, самарали жанговар тайёргарлигини ташкиллаштиришга қўшаётган ҳиссаси ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман.

Академиямиз ташкил топгандан бошлаб тарихан қисқа даврда унда фаолият юритган етакчи илмий ходимлар ва тажрибали профессор-ўқитувчилар миллий армиямизни шакллантириш, ислоҳ қилиш ва янада ривожлантириш жараёнида минтақамиз шароити ва хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, илмий асосланган кўп сонли раҳбарий ҳужжатлар яратдилар ва улар Қуролли Кучларимиз жанговар-хизмат фаолиятига жорий қилиниб келмоқда.

Бундай самарали илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш учун принципиал жиҳатдан янги, замонавий талаб ва стандартларга жавоб берадиган меъёрий-ҳуқуқий база ва зарур шарт-шароитлар яратилган.

Академиямизда фаолият олиб бораётган ҳарбий-илмий тадқиқотлар Маркази, катта илмий ходим-изланувчилар институти, кафедралар ҳамда академия тингловчилари ҳарбий-илмий Жамияти аъзолари томонидан Қуролли Кучлар қурилиши, ислоҳотлари, дунёда юз бераётган уруш ва можаролар, уларда етакчи хорижий давлатлар армияларини жанговар қўллашга оид илғор тажрибасини ўрганиш бўйича ҳарбий-илмий тадқиқотларни ўтказиш амалга оширилмоқда.

Ҳар томонлама олиб борилаётган изланишлар натижаси сифатида академия ўқув-тарбиявий жараёнини ҳамда Мудофаа вазирлиги олий ҳарбий таълим муассасалари ва қўшинларини зарурий илмий ишланмалар, ўқув адабиётлар, тахлилий маълумотномалар, услубий тавсиялар билан таъминлаш бўйича амалга оширилаётган тизимли ишларни кўрсатиш мумкин.

Ўтказилаётган илмий-тадқиқот изланишларида нафақат Мудофаа вазирлиги мутахассислари, балки Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги экспертлари ҳам фаол иштирок этмоқдалар. 2011-2015 йиллар давомида махсус илмий - техникавий дастурлар доирасида бир қатор илмий тадқиқот ишлари олиб борилди. Хусусан, бугунги кунда қўшинлар, кўрсатиб ўтилган вазирлик ва идоралар фаолиятида зарур бўлган Ҳарбий термин ва таърифлар изохли луғати ишлаб чиқилди.

Бундан ташқари, Марказий Осиё шароитида ҳарбий – сиёсий вазият ва эҳтимолий ҳарбий ҳаракатлар театрини инобатга олган ҳолда, хорижий давлатларнинг мудофаа қурилиши тажрибаларини ўрганиш асосида ЎР ҚҚнинг қурилиши, ривожланиши ва ислоҳ қилинишининг устувор йўналишларини, ЎР ҚҚнинг амалдаги ташкилий-штат тузилмаси, қурол-аслаҳаси, таъминланиши ва жанговар имкониятларини ўрганиш ва тадқиқот қилиш, уларни замонавий ҳарбий можароларда жанговар қўлланилиши ва

такомиллаштирилиши масалаларини ўз ичига олган илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилди ва тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Давлатимиз раҳбариятининг ҳарбий соҳа назарияси ва амалиётининг узвий боғланишини таъминлаш вазифаларидан келиб чиққан ҳолда Қуролли Кучлар Академияси ўқитувчи ва тингловчиларининг илмий ишлари ролини кучайтириш, уларда ижодий фикрлаш ва рационализаторлик қobiliятини шакллантириш, мустақил илмий изланишлар ва қўшинларда ҳарбий илмий ишларни ташкил қилиш кўникмаларини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йилнинг 24 июлида қабул қилинган олий таълимдан кейинги таълимнинг самарадорлигини оширишга йўналтирилган “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони талабларидан келиб чиқиб Академиямизда олий тоифали ҳарбий-илмий кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш бўйича қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ушбу тадбирлар доирасида Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати Қарори, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг меъёрий ҳужжатлари талабларига тўлиқ жавоб берадиган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилди ва Мудофаа вазирининг тегишли буйруғи билан кучга киритилди.

Жорий йилда илм-фанга лаёқати бор офицерларимизни Академия катта илмий ходим-изланувчилар институтига кириш учун олдиндан тайёрлашни ташкиллаштириш мақсадида, ЎР Мудофаа вазирининг тегишли буйруғи билан тайёрлов Курслари ташкил этилди. Бу амалиёт республика олий таълим муассасалари орасида илк бор қўлланилди ҳамда таниқли олимларимиз томонидан ижобий баҳоланиб, қўллаб-қувватланди. 10 нафар тайёрлов Курси битирувчилар ҳарбий илм поғанасига илк қадамларини қўйдилар.

Академия катта илмий ходим-изланувчилар бўлими бошлиғи ўз маърузасида “ҳарбий фанлар доктори” илмий даражасига эга бўлган офицерларимиз ҳақида сизларга батафсил ахборот бериб ўтди.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиманки, ушбу офицерлар томонидан амалга оширилган илмий тадқиқотлар бугунги кунда Қуролли Кучларимизда амалга оширилаётган ислохотлар доирасида долзарблиги билан ажралиб туради. Диссертантлар томонидан ишлаб чиқилган тавсиялар Мудофаа вазирлиги, Қуролли Кучлар академияси, олий ҳарбий таълим муассасалари ҳарбий-илмий анжуманлари, шунингдек, турли илмий-амалий семинарлар ва бошқа тадбирларда юқори баҳоланган.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, Мудофаа вазирлиги тизимида ўтказиладиган ҳарбий илмий-амалий анжуманлар ҳарбий санъат назарияси ва амалиёти ривожланиши тенденциялари, етакчи хорижий давлатларнинг мудофаа қурилиши, қуролли кучлари ислохотлари ва ривожланиши бўйича илғор бой тажрибасини ўрганиш ва ўзлаштириш каби долзарб масалаларни

муҳокама ва таҳлил қилиш учун самарали тадбир сифатида хизмат қилиб келмоқда.

Академиямиз профессор-ўқитувчилари, ҳарбий-илмий тадқиқотлар Маркази илмий ходимлари, ўқув факультети тингловчилари ушбу илмий тадбирларда ўзларининг долзарб мавзудаги маърузалари ва соҳани ривожлантириш бўйича таклифлари билан фаол қатнашмоқдалар.

Бундан ташқари, академиямиз офицерлари ҳар йили Қуролли Кучлар миқёсида ўтказилиб келинаётган оператив-тактик ўқувларда тадқиқот гуруҳларида фаол қатнашиб армиямизни ҳар томонлама ривожлантириш соҳасида илмий асосланган таклифлари ва тавсияларини бериб келмоқдалар.

Президентимиз, Қуролли Кучларимиз Олий Бош Қўмондони Ислом Абдуғаниевич Каримов чет эл армияларининг илғор тажрибасини ўрганиш зарурлиги хусусида шундай таъкидлаганлар: “Айни пайтда Қуролли Кучлар академияси ва мамлакатимизнинг шу йўналишдаги бошқа таълим муассасаларида ҳарбий фанларнинг энг зарур ва долзарб йўналишлари бўйича дарс бериш учун хорижий давлатларнинг етакчи ҳарбий таълим муассасалари ва тадқиқот марказлари ўқитувчилари, эксперт ва мутахассисларини кенг жалб этиш борасидаги ишларимизни тизимли ва изчил асосда кучайтиришимиз керак”.

Шу йўналишда айтиб ўтиш лозимки, Қуролли Кучлар Академиясида илғор хорижий тажрибани ўзлаштириш нафақат таклиф қилинаётган чет эл мутахассислари машғулотларидан балки академия илмий ходимлари ва профессор-ўқитувчиларининг етакчи хорижий давлатлар мудофаа академияларига сафарлари натижасида ҳам амалга оширилмоқда.

Мазкур ҳарбий ҳамкорлик тадбирлари натижаларига асосланиб академия ўқитувчи ва илмий ходимлари томонидан ишлаб чиқилган ахборот бюллетенлари, ахборот-таҳлил маълумотномалари ва ўқув қўлланмаларидан Мудофаа вазирлиги олий ҳарбий таълим муассасалари ва қўшинларнинг жанговар-хизмат фаолиятида кенг фойдаланилмоқда.

Бугун мамлакатимизда илмий-тадқиқотлар кўламини кенгайтириш, узоқни кўзлаб, олис истиқбол тараққиётини таъминлаш бўйича катта ишлар ташкил қилиниб, амалга оширилмоқда. Бу маънода академиямиз олдида яқин ва узоқ истиқболдаги вазифа - бу ҳарбий илм-фаннинг ривожига кенг йўл очиб берувчи чуқур илмий-амалий тадқиқот ишларининг истиқболли йўналишларини белгилаб олиш ва улардан олинган натижаларни Қуролли Кучларимиз шайлиги ва жанговар салоҳиятини юксалтиришда тадбиқ қилишни фаоллаштиришимиз зарур деб ўйлайман.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бугунги кунда давлатимиз раҳбарияти ташаббуслари билан ҳарбий соҳанинг долзарб ва истиқболли масалалари бўйича чуқур илмий тадқиқот изланишлари олиб бориш учун яратилган барча шарт-шароит ва имкониятлардан биз офицерлар оқилона фойдаланишимиз лозим.

Акрамов В.З. – Қуролли Кучлар Академияси Ҳарбий-илмий тадқиқотлар Маркази бошлиғи, полковник.